

4. So'fi Allohoyor. Maslak ul-muttaqin. Konpur. «Navalkishvar», 1290 h., 35b., 29b. 28b., 607-608-b. 24b., 413-b., 18-19-betlar, 626-b.

5. So'fi Olloyor. Sabot ul-ojizin. – Toshkent.: «Mehnat» – 1991. 90b.

6. So'fi Allohoyor. Maslak ul-muttaqin. / Tarj. Qozixo'ja ibn Hafizxo'ja. Nashrga tayyorlovchilar: S.Sayfulloh, A.Dehqon. – T.: O'zbekiston, 2016. 420 b.

7. I.Suvonqulov. So'fi Olloyor va uning adabiy an'analari. – Filol. f.d. ilmiy darajasi uchun diss. – T., 1997.

8. R.Zohid. «Sabot ul-ojizin» – ilmiy-adabiy manba. – T.: Muharrir, 2011. 144 b.

9. Il' yasov G.R. Lingvopoeticheskie osobennosti proizvedeniya «Sabot al'-gadjizin» Allayara Sufi i «Risolai Gaziziya» G.Yasigulova. Diss. na soiskanie k.f.n. – Ufa, 2009.

10. Sabirov N.R. Rol' sufiyskix traditsiy v razvitii tatarskoy obshchestvennoy misli XVII–XVIII vv. Diss. na soiskanie k.i.n. – Kazan, 2010.



Sayyora TO'YCHIYEVA,
O'zbekiston davlat san'at va madaniyat
instituti professori, falsafa fanlari doktori

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

МЫСЛИТЕЛИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ О ЗНАЧЕНИИ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ ДУХОВНОСТИ ЧЕЛОВЕКА

CENTRAL ASIAN THINKERS ABOUT THE ROLE OF UNIVERSAL AND NATIONAL VALUES IN THE FORMATION OF A PERSON'S SPIRITUALITY

Калит сўзлар: Марказий Осиё, алломалар, илмий мерос, маънавият, қадриятлар, ҳулосалар.

Ключевые слова: Центральной Азия, интеллигенция, научные наследие, духовность, ценности, выводы.

Key words: Central Asia, intellectuals, spirituality, heritage, values, conclusions.

Шарқ фалсафасида, Марказий Осиё мутафаккирларининг маданий меросида маънавият, комил инсонни шакллантириш, маърифат, ахлоқ, одоб масалалари ҳар доим марказий ўринда турган. Академик М.Хайруллаевнинг таъкидлашича, «ахлоқ, одоб, муомалани инсон тарбиясининг мақсадларидан бири деб билиш, инсоннинг адолат, юксалиш, маънавиятга интилишига йўл очиш, имконият яратиш, ақлда, ахлоқда, маънавиятда етук бўлиш, комил инсонни яратиш, инсонпарварлик, ватанга, одамларга хизмат қилиш, инсонлар орасидаги дўстлик, ўзаро ёрдам, кўмаклашувга чақириш» ўлкамиз халқлари маданиятининг етакчи жиҳатларидандир [1].

Маънавиятнинг фалсафий негизлари, антологияси, энг аввало, ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналарида, халқимизнинг дунёвий, диний қарашларида, ён атрофга, оламга муносабатларида акс этади. Умуминсоний қадриятлар аслида ушбу маданий мероснинг синтези, маҳсули сифатида шаклланиб келади.

Инсониятнинг илк ўтмиши, биринчи моддий ва маънавият, маданият масканлари Шарқда шакл-

Ушбу мақолада Марказий Осиёнинг илмий-маънавий мероси билан бошқа ҳудудлардан фарқланиши, алломалар илмий салоҳиятининг юксаклиги фикри очиб берилган. Юртимиз алломаларининг бой илмий меросида шахс маънавиятини ривожлантиришда ўз таъсирига эга бўлган миллий ва умумбашарий қадриятларнинг аҳамияти очиб берилган. Мазкур маънавий-маърифий мероснинг дунё маданияти, маънавиятига кўрсатган таъсири ёритилган. Шунингдек, алломаларимиз маданий меросининг жамият, айниқса, ёшлар маънавиятига таъсири борасидаги илмий ҳулосалар берилган.

Данная статья посвящена отличительным особенностям научного и духовного наследия, а также высокого научного потенциала ученых Центральной Азии от других регионов. Раскрыта значимость национальных и общечеловеческих ценностей, влияющих на развитие духовности человека в богатом научном наследии ученых нашей страны. Освещено влияние этого духовного и научного наследия на развитие мировой культуры и духовности. Кроме того, представлены научные выводы о влиянии культурного наследия наших ученых на духовное развитие общества, и особенно молодежи.

This article highlights the difference between the scientific and spiritual heritage and the high scientific potential of scientists of Central Asia and other regions. This spiritual and educational heritage reflects on world culture and spirituality. The significance of the national and universal values influenced by the rich scientific heritage of our country's scholars have been disclosed. The article also contains the scientific conclusions on the impact of the cultural and spiritual heritage of our scholars on the spirituality of society, especially on the spirituality of young people.

ланган ва инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин тайёрлаб келган [2].

Шарқ жуда катта ҳудуд. Аммо уни бирлаштириб турувчи муштарак умумий хусусиятлар мавжуд. Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳудуди Шарқнинг бир бўлагидир. Шарқнинг ўзига хос хусусиятлари Шарқ халқларининг мулоҳазақорлиги, босиқлиги, кескин вазиятда муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишга интилиш, ҳаётнинг негизи ва замини изчил кундалик меҳнатда эканлигини эътироф этиш, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини билиб, мол-дунё йиғмаслик, ҳамма вақт ўзини тия билишдир. Шунинг учун Шарқнинг Ғарбдан фарқли тарзда ўзига хос одоб-ахлоқ нормаси ва тарихий хусусиятлари мавжуд.

Шарқ халқлари инсоният тарихида биринчи бўлиб ерга ишлов бердилар, маданий ўсимликлар навларини табиатдан танлаб олдилар, ўсимликларни чопиш ва суғориш йўли билан ўстиришни ҳаётга татбиқ этдилар, мураккаб ирригацион, яъни суғориш тартиб ва усуллари яратдилар. Биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларини қурдилар, дастлабки уй ҳайвонларини ўргатдилар ва ҳатто ипак қуртидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга эришдилар, ниҳоятда мукамал меъморчилик санъатига асос солдилар. Шарқ биринчи бўлиб инсон қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бақувват ва руҳан эгилмас бўлишини инсониятга намоён этди.

XVI асрдан бошлаб Ғарб мамлакатлари ва халқлари инсониятга етакчилик қила бошладилар. Лекин Ғарб Шарқнинг елкасига суянибгина қолаётган ва қашшоқлик олампидан қутулиб чиқа олди. Ана шу сабабдан Шарқ Ғарбнинг диққатини ўзига жалб

этган. Европалар асрлар давомида Шарқ томон океанлар ёки чўллар орқали йўл қидирганлар [3].

Халқимизнинг ўзига хос шарқона турмуш тарзи, тафаккури ва дунёқараши, ҳаётга, воқеликка муносабатларининг ифодаси бўлган «Алпомиш», «Шашмақом» каби ижод дурдоналари, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур каби миллий қаҳрамонларнинг ибратли ҳаёти маънавий қадриятларимизни тўғри англаш манбаларидир.

Буюк Шарқ мутафаккирларининг умуминсоний ғоялари: Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари ва Берунийнинг илмий ва ижтимоий-ахлоқий қарашлари, Форобийнинг адолатли жамият, етук фозил одамлар ҳақидаги илғор фикрлари, Ибн Синонинг руҳий илоҳий ва тиббиёт соҳасидаги таълимотлари, Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Улугбекнинг илми нужум ҳақидаги, Бобур ва Машраб ғазалларида илгари сурилган умуминсоний ғоялар, ўтган аср бошидаги жаҳид маърифатпарварлари – Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода каби зиёлилар фаолияти ҳам маънавиятимиз негизларини билишга ёрдам беради.

Ўлкамиздаги қадимги халқнинг дунёвий, илмий, диний ва маънавий қарашлари илк ёзма манба «Авесто»да ўз ифодасини топган. «Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиёнинг ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашулар, босқинчилигу ҳужумларни қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга

даъват этади. Умуман, моддий ҳаётни яхшилашга уринишларни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб, хайрли ишни, ахлоқли, одобли бўлишни турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун қўйган».

Х.Сулаймонованинг фикрига кўра, Аристотелнинг ахлоқий қарашлари билан зардуштийликдаги ахлоқ ҳақидаги фикрларда умумийлик бор.

Геродот, кичик Плиний, хниклик Евдонс, Плутарх, Страбон, Павзаний, Цицерон, Диоген Лаэртский, Ксанф, Филон, Гермикн каби юнон-рум олимлари, маданият арбоблари зардуштийлик ҳақида илмий асарлар яратганлар ёки у ҳақида қимматли маълумотлар қолдирганлар [4].

Ғарб фалсафаси ва ахлоқий, этик қарашларининг шаклланишида Шарқ маданий меросининг ўрни каттадир. Ҳатто Ғарб ҳозир тарғиб қилаётган «цивилизациялар мулоқотини кенгайтириш» концепцияси ҳам аслида «Авесто»да зикр қилинган одамлар бир наслдан тарқалган, улар қаерда бўлсалар-да, ўз насли орқали бирдирлар, деган ғоя билан ҳамоҳангдир. Демак, умуминсоний қадриятларнинг асосий функцияси халқларни бирлаштиришдир деган ғоя қадимдан бери ўлкамиз кишилари ҳаёлини банд этиб келади.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (782(3)–850) илм-фан, коинот, ахлоқ, одоб тўғрисида 20 дан зиёд асар яратган, жаҳон маданиятига беқиёс ҳисса қўшган алломадир. У ўзининг ахлоқ, одоб, адолат ҳақидаги фикрларини «Васиятлар китоби», «Тарих китоби» каби асарларида баён этган. Алломанинг фикрларига кўра кишилар жамиятда ўрнатилган тартибларга онгли муносабатда бўлиши, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслиги, аждодларини қадрлаб, уларнинг меросини эъзозлаб, ўрганиб бориши даркор [6].

Имом Бухорий (809–869)нинг маънавий мероси жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса бўлиб қўшилган. Унинг 40 дан зиёд китоблар таълиф этгани маълум. Уларда алломанинг ислом маданияти ва дини билан боғлиқ маънавий-ахлоқий қарашлари ўз аксини топган. Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ», «ат-Тарих ал-кабир», «ат-Тарих ас-сағир», «ал-Қироату халфа-л-имом», «Рафъ-у-л-йадайн фис-с-салоти», «ал-Адаб ал-муфрад», «ал-Муснад ал-кабир», «Бирр-ул-волидайн» каби асарлари машҳур бўлиб, уларда эътиқод, имон, ахлоқ ва яратган қудрати ҳақида фикрлар юритилди.

«Кимки фаровон ҳаёт кечирай ва дунёда яхши ном қолдирай деса, қариндош-уруғларига меҳрибон бўлсин, уларнинг аҳволидан доимо хабар олиб турсин».

«Золим биродарингга ҳам, мазлум биродарингга ҳам ёрдам қил».

«Ахлоқ нафратига энг лойиқ киши одамлар билан ўта хусумат ва адоватда бўлгучи кишидир».

«Ўзи яхши кўрадиган нарсасини ўзгаларга ҳам раво кўрмагунча, киши мўмини комил бўла олмайди».

«Қуйидаги тўрт сифат кимда мужассамлашган бўлса, у бешак мунофиқдир. Улар: омонатга хиёнат, ёлғон гапирмоқлик, аҳдга бевафолик ва бировга ҳаддан ташқари хусумат қилмоқлик».

Бухорий тўплаган ҳадислар ва у яратган асарларда, У.Уватов таъкидлаганидек, «нима яхши, нима ёмон, нимани қилиш, нимадан ўзини тийиш керак каби ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод маънавияти учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панду насиҳатлар, ўғитлар ўз ифодасини топган» [8; 16 б.].

Имом Термизий (824–892) ҳам ислом маданиятининг буюк намояндаларидан бири сифатида маънавий-ахлоқий қадриятлардан инсонийлик, аҳилик, меҳр-шафқат, бағрикенглик каби умуминсоний фазилатларни тарғиб этди.

«Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади».

«Одамларга шукр айтмайдиган киши Аллоҳга ҳам шукр қилмайди». «Барча мусулмонлар биродардирлар. Улар ҳеч қачон бир-бирларига ёмонликни раво кўрмасликлари керак».

Ушбу ҳадис намуналаридан маълум бўладики, ислом маданияти инсонлар ўртасидаги ҳамкорликни, аҳиликни, яратганга ҳамду санолар айтиб, ён-атроф, дунё билан муроасада яшаш керак деган ҳозирда умуминсоний қадриятларга айланган ғояларни тарғиб этади. Ислом инсон маънавиятига урғу беради, мавжуд тартиботлар, нормалар киши онги, руҳи, қалби орқали шаклланади. Унда инсон «энг азиз, энг мукаррам, буюк зот сифатида эъзозланади, унинг маънавий камолотига, ҳаётий манфаатларига хизмат қилади» [9; 6 б.].

Абу Наср Форобий (873–930) қадимги юнон илми ва фалсафасининг Шарқдаги энг йирик тарғиботчиси сифатида ҳанузгача ўз илмий қимматини йўқотмаган «фозил одамлар мамлакати» ғоясини илгари сурди. У «Бахт-саодатга эришув», «Ақл тўғрисида», «Логикага кириш» каби асарларида инсон ақлу заковатига ишонишни, ижтимоий ҳаёт ва давлатни бошқариш шахсларнинг тафаккури, маънавий олами билан бевосита боғлиқлигини таъкидлайди. Шунинг учун ҳам у «халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ, одоб, расм-русум, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва

қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл, яъни таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги тугма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деган сўздир» [10; 131 б.], – деб ёзади. Ушбу фикрлардан маълум бўладики, Форобий халқларни бирлаштириш йўллари излаган, уларни таълим ва тарбияда деб билган. Демак, таълим ва тарбия маданий тараққиётга, инсоний фазилатларнинг уйғунлашувиغا хизмат қилувчи умуминсоний тажриба, қадриятдир.

Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳақидаги фикрларини Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Абдуллоҳ Рудакий, Носир Хисрав, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Низомулмулк, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур, Нодира, Муқимий, Фурқат, Махтумқули, Аҳмад Дониш, Бердақ асарларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Бу ўринда бироз бадий-спиритуалистик ифодада бўлса-да, М.Имомназаровнинг Алишер Навоий маънавий олами борасида айтган қуйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб биламиз: «Барча салафлари сингари, – деб ёзади олим, – Алишер Навоий ҳам ўзидан олдин яратилган буюк маънавий меросни имкони даражасида мукамал ўзлаштирган, фақат ақли билан эмас, бутун вужуди, борлиғи билан, меҳру самимияти билан ўзлаштирган, бут имон, эътиқод билан ҳақиқатни излаган ва ҳақиқат унга юз очган.

Бу Оллоҳнинг инояти, инсоннинг самимияти, ўзлигини англашга чексиз интилиши туфайлидир. Кимки ихлос билан, имон ва эътиқод билан, эзгу ният билан миллий ва умумбашарий маънавий меросни ўрганишга, унинг мағзини англаб етишга уринса, иншооллоҳ унга ҳам ҳақиқат жамоли насиб бўлғусидир» [11].

Марказий Осиё мутафаккирларининг маънавий ва умумбашарий ахлоқий қарашлари:

а) минтақадаги ички тарихий-маданий анъаналар, изланишлар;

б) ташқи тарихий-маданий ва халқаро алоқалар;

в) диний тажрибалар, маънавий-руҳий изланишлардаги инсон зотида хос антологик, филогенетик ва этногенетик хусусиятлар таъсирида юзага келган. Ушбу омиллар мутафаккирларнинг маънавий меросига у ёки бу даражада таъсир ўтказгани, шубҳасиз. Демак, инсониятнинг интернационаллашуви XX асрнинг кашфиёти эмас, у узоқ тарихий-маданий ривожланиш жараёнида шакллانган

умуминсоний маънавий қадриятлар асосида юзага келган. Ушбу қадриятлардан воз кечиш ёки уларни менсимаслик айрим элатларни тор миллий қобикда қолишга мажбур этган. Шунинг учун ҳам маънавий қадриятларимизни жаҳон илму фани ютуқлари билан бойитиб бориш, ўзлигимизни чуқурроқ англашга ёрдам берувчи тарихий-маданий меросимизни ўрганиш бир-бири билан мустаҳкам боғлиқ вазифалардир.

Янги жамиятни барпо этиш жараёнида эса маънавий қадриятларни тўғри баҳолай олишни, сохта қадриятлардан ёки тарихан эскирган, ўзидаги бунёдкорлик ва ижобий салоҳиятни сарфлаб бўлган қадриятлардан ҳақиқий ҳаётбахш қадриятни ажрата билиш талаб этилади [12].

Миллий қадриятларга, маданий меросга илмий асосда тўғри ёндашиш асосий тамойилларга хос мезонлар – инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқчилик ва тараққиётпарварликдир. Бу мезонларнинг ҳар бирида миллийлик ва умуминсонийлик мужассамлашган. Улар моҳиятан умуминсоний характерга эга бўлса-да, ҳар бир тарихий даврда муайян халқларнинг эҳтиёжларини юзага чиқаради ва уларни қондиришга хизмат қилади. Шу боис уларнинг замирида мужассам бўлган умуминсонийлик миллий эҳтиёжларни муайян миллий шаклда ифодалаган ва ўз мазмунини уларга мослаштирган ҳолда юзага чиқади. Мазкур мезонларга нафақат миллийлик ва умуминсонийлик, балки тарихийлик ҳам хосдир.

Агар масаланинг тарихий жиҳатига эътибор берилса, Шарқ маданияти, унинг умуминсоний қадриятлари комправистлар, мустамлакачилик, ирқчилик сиёсатини юритувчи «евромарказчилик» оқими вакиллариининг шарқ халқлари азалдан қолоқ бўлганлар, уларнинг башарият тараққиётида ҳеч қандай улушлари йўқ, деган қарашлари нотўғри эканлигини кўрсатади.

Масалан, тарихчи Ф.Шлоссер: «Шарқ давлатлари мустабидлик (деспотизм) ҳамда иерархия асосига қурилган. Дин бу ерда ҳамма нарсани ўз таъсирига олганидек, урф-одат, адабиёт, мафкура, ахлоқ, ҳокимият тарзи ва ҳатто санъат ҳам доимий, ўзгармас деб қаралган...

Улар бу маданиятларнинг доим ана шундай турғун бўлишини ҳоҳлаб келдилар, бошқалар таъсирини қабул қилмадилар», – деб ёзади. Ғарбда бундай қарашлар кўп вақтгача ҳукмрон ақида бўлиб келди. Улар ўз маданиятларининг Шарқдан келиб чиққанлигини зўр бериб инкор этдилар ва жаҳон тарихини фақат Европа халқлари тарихи ташкил этади, деб тушунтирдилар.

Халқлар орасига фитна ва адоват уруғини сочувчи, Шарқ билан Ғарб азалдан бир-бирларига душмандир, улар ҳеч қачон қўшила олмайди, деган фикрни илгари сурдилар. Гўёки яратилган кундан бошлаб дунё Осиё ва Европа, яъни Шарқ ва Ғарбга бўлинган эмиш. Уларнинг фикрича, бу икки қутб кишилари орасидаги кураш азалийдир ва у башариёт ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Чунки ҳаёт иккита қарама-қарши кучнинг – туғилиш ва емирилиш, нур ва соянинг курашидан иборат.

Адабиётшунос олим, профессор Н.Комилов шундай дейди: «Аммо Европа илму адаб аҳлининг ҳаммаси ҳам Шарққа нисбатан бундай муносабатда бўлган эмас. Дунё баркамоллигини бирликда кўриб, Шарқ халқлари маданиятини катта ҳурмат билан Ғарбда тарғиб этган ва этаётган мутафаккирлар қаршисида биз бурчлимиз. Хусусан, шарқшунос олимларнинг бу борадаги хизматлари бебаҳодир. Уларнинг ғайрат-шижоати, тинимсиз изланишлари туфайли, шарқ адабиётининг кўпгина ёдгорликларини тадқиқ этилиб, Европа тилларига таржима қилинди. Европа китобхонлари таржима воситасида шарқ халқлари ижодиёти билан танишар эканлар, бундан минг йиллар муқаддам Осиё кўксига етук маданият барпо этилганлиги ҳамда нозик инсоний туйғулар, улуғ гуманистик ғоялар баралла куйланган юсак адабиёт яратилганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бугина эмас, шарқ адиблари асарлари ғарбликлар диди ва завқига мос бўлиб тушди. Европа шоир, ёзувчиларининг ижодий камолотига самарали таъсир кўрсатди. Улуғ немис шоири И.Гёте Хўжа Ҳофиз девонини Фон Хаммер таржимасида мутолаа этиб, азбаройи таъсирланганидан ўзини «Шероз булбулининг муриди» деб эълон қилади. У Ҳофиз орқали бутун Шарққа бир умр муҳаббат боғлаб, «Ғарбу Шарқ девони»ни битади. Бу девонида у бор овози билан дунё бирлигини куйлайди:

Бузилди Ғарб, Жануб ва Шимол,

Тахту тожлар бўлди поймол.

Сен йироққа, кунчиқарга бор!

Унда қўшиқ, севги бор, май бор,

У табаррук ҳавони шимир,

Ва бошлагин янгидан умр...

(«Ҳижрон» шеъри. М.Шайхзода таржимаси).

Гёте назиди шарқ шеърияти, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз, Румий ижоди – «Ҳизр чашмаси». У ҳамиша мусаффо ва равон, ундан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу руҳ ва ижод манбаи, севги ва қўшиқ салтанати...» [13].

Инсоният доимо янгилашиш, ўсиш йўлидан борган. Ҳар бир маданий кўтарилиш ўзигача бўлган ютуқларни жамлаган ва янги-янги оқимларни бирлаштириб, олға силжишда давом этган. Тараққиёт

тарихига Шарқ ва Ғарб халқлари навбатма-навбат ҳисса қўшиб келганлар. Жаҳон халқлари орасидаги интеграция тобора ривожлана борган ва у ҳозирги пайтда янги куч билан мустаҳкамланмоқда.

Хуллас, ўзбек халқи асрлар мобайнида яратган адабий, маданий бойликларни, ноёб тарихий обидаларни авайлаб сақлаш ва уларни келгуси авлодларга етказиш, қадимий ва замонавий халқ қадриятларини, адабиёт ва санъатини билиш, ривожлантириш, республикада яшовчи бошқа халқлар маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилиш умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини ташкил этади.

Ўз миллатининг, халқининг маданий меросини, диний, маънавий-ахлоқий қадриятларини, анъаналарини ва урф-одатларини чуқур билиш, улардан маънавий озуқа олиш, улар билан ғурурланиш ёш авлоднинг маънавий камолоти учун зарурдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Xayrullaev M.M. Xulosa //Buyuk siymolar, allomalar (O'rta Osiyolik mashhur mutafakkir va donishmandlar/) 1 tom. –Toshkent. Xalq merosi, 1995.
2. Mustaqillik: izohli ilmiy-ommabop lug'at. – Toshkent. Sharq, 1998.
3. Sulaymonova F. Sharq va G'arb (qadimiy davr va o'rta asrlar madaniy aloqalari). – Toshkent. O'zbekiston, 1997.
4. O'zbek pedagogikasi antologiyasi. – Toshkent. O'qituvchi, 1995.
5. Muhammad ibn Muso al-Xorazmiy. Tanlangan asarlar. – Toshkent. Fan. 1983.
6. Axloq-odobga oid hadis namunalari.Toshkent. Fan. 1990.
7. Al-Buxoriy. Hadis. Al-Jomi' as-Sahih. –Toshkent. Qomuslar bosh tahririyati, 1991.
8. Uvatov U. Iymon nuri. – Toshkent. Yozuvchi, 1996. – B.16.
9. Uvatov U. Iymon nuri. – Toshkent. Yozuvchi, 1996. – B. 6.
10. Imomnazarov M. Milliy ma'naviyatimiz nazariyasiga chizgilar. – Toshkent. Sharq, 1998. – B. 131.
11. Milliy istiqlool g'oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar. – Toshkent. O'zbekiston, 2000.
12. Bartol'd V. Izuchenie Vostoka v Yevrope i v Rossii. Leningrad, 1925.
13. Komilov N. Tafakkur karvonlari. – Toshkent. Ma'naviyat, 1999.
14. Sharipov R. Turkistonda jadidchilik harakati tarixidan. – Toshkent, O'qituvchi, 2002.